

Ғийбатдан ман қилишга тегишли ҳукмлар, ҳадислар ва хабарлар



15:36 / 08.03.2018 4518

Ғийбат – ҳаромлиги қатъий ояту ҳадислар ҳамда ижмо билан собит бўлган амалдир. Ғийбатнинг ҳаромлигини инкор қилган, яъни уни ҳалол санаган киши кофир бўлади ва сироти мустақимдан (тўғри йўлдан) чиқиб кетади.

Саъдий раҳимаҳуллоҳ «Бўстон»да айтадилар:

Рафиқе ки, ғоиб шуд, эй некном,

Ду чиз аст аз ў бар рафиқон ҳаром.

Яке он ки молаш ба ботил хўранд,

Дувум он ки номаш ба ғийбат баранд.

Назмий маъноси:

Агар ғойиб бўлса, дўст, эй яхши ном,

Ундан икки нарса дўстларга ҳаром:

Бири – ботил йўлдан молини емоқ,

Бири – ғийбат билан номини демоқ.

Насрий баёний: *Эй яхши номли киши! Ғойибдаги дўстнинг икки нарсаси дўстларига ҳаром бўлади: бири – унинг молини ботил ва ножоиз йўл билан ейишлари, иккинчиси – унинг номини ғийбат билан эслашлари.*

Сафурининг нақл қилишларича, «Равза» китобининг соҳиби ғийбатни сағира (кичик) гуноҳлардан санаган. Аммо баъзилар уни аслида сағира гуноҳ бўлса ҳам, уламо ва ҳофизлар (қорилар) учун кабира (катта) гуноҳлардан дейишган. Лекин Али ибн Аҳмад Азизий раҳимаҳуллоҳ «Жомеъи сағир»нинг шарҳида: «Имом Қуртубий ғийбатнинг гуноҳи кабира эканига ижмо бўлганини айтган», деб ёзадилар. Сулаймон Жамал раҳимаҳуллоҳ ҳам «Тафсири Жалолайн»га ёзган ҳошиясида: «Унинг гуноҳи кабира эканлигида ҳеч қандай ихтилоф йўқ ва мана шу ҳақдир», дейди. Шунинг учун олдинги ва кейинги уламоларнинг барчаси ундан парҳез қилар эдилар.

Бизнинг замонамиз одамлари эса кечасию кундузи ғийбат қилиш, фақиру бойни ёмонлаш ва ҳар кимнинг айбини кўрсатиш билан овора. Кўплари зоҳирда (ташқи кўринишда) уламо ва саодат аҳлининг суратида, ботинда эса жоҳиллар ва бадбахтларнинг сийратида бўладилар. Тилларидан ҳамиша ярамас гаплар чиқади, қўллари ҳам доимий ёмон ишлар билан банд. Одамлар ёнида шайтонни ўзларига душман дейдилар, лекин ёлғиз қолсалар, яширинча унга итоат қиладилар. Ўз айбларига қараш ўрнига бошқаларнинг айбига синчковлик билан қарайдилар. Одамлар олдида Аллоҳнинг хос, яхши бандаларини хорлайдилар. Қилаётган бу ишлари Аллоҳ таолонинг ғазабига сабаб бўлиши мумкинлигига заррача ҳам парво

қилмайдилар. Улар ҳамиша кимдандир гумонда, кимгадир аччиқ гап гапирган, кимнингдир суратига таъна қилган, кимнингдир сийратини, яна кимнингдир насабини ёмонлаш каби катта ва кичик гуноҳларга мубталодирлар.

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов